







ДАРДИСАР

Шу куннинг хангомаси

Отаси билан биз ҳеч нарса бўлмадик, ақали ўғлимиз бўлсин, дедиг-у, ўғлимизни инглизча тамоил мактабга бердик. Келажаги зўр-да. Дарсдан сўнг спорт мактабига боради, сўнгра бадий ҳаваскорлик тўрагага қатнашади, компьютерни, аллақайси бало-қазо билан ишлашни ўрганади, арабча ўқишни ўлаштиради. Яна дам олиш кунлари инженерлик, йўқ, оти нимаиди, менежерлик билан ҳам машғул бўлади.

ДОФ

Икки оғайни учрашиб қолиб, бир-бирига гап бермай кетишди. — Биласми, — деди улардан бири, — менинг хотиним жуда ақли ва тежамкор-да, ўн йил аввал тутилган кунига битта кўйлак олиб бергандим, хали эгнидан емайди, яп-янгидай турибди. — Тежамкорликда сенинг хотининг меникени олдида ип эшолмас экан. Ўн йил деганда бир кийимлик мато олиб бергандим, шуни тежаб-тергаб учта кўйлак тиктирибди.

Бахтиёр ЖУМА



ЯРИМ ҲАЗИЛ — АЙТИЛМАГАН ЧИН

Ўта жиддийлашиб кетаётган одамнинг қулогига астагина айтилган пичинг

Кечирасиз, биродар, Сизга бирозгина ҳазил гапим бор эди, шуни айтсам бўлади-ми?.. Ҳа, ҳазил, бор-йўғи бирозгина ҳазил. Иложи бўлса, ҳеч ким эшитмайдиган қилиб айтаман. Нега бунча қовоғингизни уясиз? Хали айрилмаган ҳазилга шунчами?..

Келинг, яхшиси, ҳазилнинг ўрнига битта латифа айтиб берай. Янғисидан. Машҳур кизиқчи Ҳожибой Тожибоев айтганидай: "Бу латифани хали ўзим ҳам эшитганим йўқ". Агар эшитсангиз, айтиб бераман. Керакмасми? Оббо, мунча қовоғингиздан қор ёғади? Авзойингиздан кўриниб турибдики, латифа эшитишга ҳам тоқатингиз йўқ.

ҒАЛАТ-ҒАЛАТ ГАПЛАР

Устини берсанг, устиндан ёзмайман. Мен шоир эмасман. Шу шеърини чиқариб берсанглр бўлди. Агар бирор жойинг оғримаётган бўлса, билгинки, касал эксанан.



АНТИҚА МУҒАТ

АРОҚ — "покиза" ишларга бошлайдиган "табаррук" ичимлик. БУРУН — кишиларнинг кайфиятини аниқлаб берадиган индикатор.

ЗАМОНАВИЙ МАҚОЛЛАР

Пулнинг қанчалигини айт, мен сенга қимлигингни айтиб бераман. Очикса қорним, кўшиқ айтар жигилдоним.



ЧЎКИБ КЕТСАМ

Сокин дарё бўйида. Шоир илҳом қутади. Шу пайт "ёрдам" деган сўз Уни хушёр этади. Караса, сувага қалиб Оқиб борар бир киши.

"МУШТУМ" ВА "АФАНДИ" — МЕҲМОНИМИЗ

КУЛГИ БИЛАН ЎИҒИ

Афандидан ўғли бир кун Аста сўради: — Дада, ушунга нега йиғлар, нега қуладми? Икки тилло тангани у Ўғлига тутди.

Ишга доим кечикиб келадиган қотиба қизга хўжайин деди: — Айтинг-чи, бугун кечкурун бирон-бир иш билан банд эмасмииз?

БИР ЖУҒТ ЛАТИФА

Ярим тунда жарроҳнинг телефони жиринглаб қолди. — Эрим кўзини очди, дўхтиржон!

МУСАҲҲИХ ЯНГЛИШГАНДА



Сайроқи (қайроқи) фикрларда ҳикмат кўп. Кўл ёглаш (боглаш) ўйини. Қовунизм (совунизм)га кир ювмабсиз ҳали.

ШИФКОРЛАРГА БИРИНЧИ АПРЕЛ ЭСАММАЛАРИ

Беморни текшираётганда унинг қўлини эмас, балки қўнгатини ушлаб кўринг. Агар бемор қўлингизни олинг, деса, у сиз ўйлаган бемормас. Ақсинча, индамаса, айнан сизбоз бўлади.

Дори ёзганингизда керак-керакмас дориларни қанча кўп ёзсангиз, шунча яхши. Бемор сиз лозим толган дориларни ичиб, ун-тўрт кундан сўнг бошқа касаллик билан яна хузурингизга кириб келади.

Бемор билан суҳбатлашганда унинг қаерда, қим бўлиб ишлашини, албатта, суриштиринг. Бу сизга муолажа муддатини белгилашда ва яна бошқа баъзи бир масалаларда жуда асқотади.

Агар беморингиз паришонхотир бўлса, уни хузурингизга ҳар куни келишга астойдил унданг, келиши билан "Кечаги муолажа учун..." десангиз қифоя.

Ишга атайлаб кечикиб келинг. Бемор сизни кутавериб, асаблри чидмай, тинчлантирувчи дори сўрайди. Табиийки, дори учун ҳам қўшимча ҳақ оласиз.

Шуни унутмангки, мижозингизнинг сиз ва қариндошингиз дорихонаси оралигида тиним-сиз қатнаши оилангизга беҳисоб бойлик келтиради.

ХАНДАЛАР СЕҲРЛИ ХУШТАК

Бир йигит кўп қаватли ўй олдига икки марта хуштак чалди. — Нега эрта саҳарда одамларнинг оромини бузгансан? Жарима соламади! — деди унга шу ерда юрган милиция сержанти.

— Бу сеҳрли хуштак. Яна бир марта чалишга рухсат беринг, — ялинди йигит ва қаттиқ чалди.

Балконда гоят гўзал қиз пайдо бўлди. Хайратда қолган сержанти ҳам беҳос хуштак чалиб юборди.

Бир кампир ўт ўчириш машинасининг йўлига ўқдек отилиб чиқди. Ранги оқариб кетган хайдовчининг қулоғига узоқ пичирлади.

Таваба! — деди хайдовчи ёқасини ушлаб ва ёнги сиренасини узоқ чалди.

Кампир уйга кирди ва қулоқларини кафтлири билан тўсиб ўтирган келинидан сўради:

— Эшитдингизми, келин? Қўнглингни сал ёришгандир?

— Баттар қўнглингни айнитдингиз! Мен сизга қурортлардаги парахонда ўтириб, "ду-дү"-латадиганини эшитсам, дегандим! — деди таннос келин жеркиб.

— Таваба! Бунақа бошқоронгликни умримда биринчи марта кўршим, — дея ёқасини ушлади кампир.

Насимжон МАМАДАЛИЕВ, Урчи тумани

HURRIYAT Mustaqil gazeta. Mustaqil gazeta HURRIYAT. Muassis: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси. Бош муҳаррир ваифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁЕВ. Тахрир хайяти: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЕ, Абдуқажҳор ИБРОХИМОВ, Наним КАРИМОВ, Ҳақим САТТОРИЙ (масул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР. «Hurriyat» kompyuter markazida Eiyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. Тахрират манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91, Тел: 41-52-72, 144-25-06. E-mail: hurriyat@uzpak.uz. Индекси: Яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи муҳаррир: Мухиддин АБДУРАСУЛОВ. Топширилди вақти — 21.00. Бюроорта — Г - 271. Т: 3121. Тахриратга юборилган матбуот ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.